

Табиатнинг қизик табиати

«Шаҳарлик» кўзиқорин

Табиатда шундай мўъжизалар бўладики, баъзан одамнинг унга ишонгани ҳам келмайди. Аммо воқеа, воқеа-да!

Утган йили февраль ойларида янги тушган кўчанимга шағал тўкишиб бир текисда шиб-башди. Қурувчилар текислигини кўрсатадиган махсус асбобда раволигини қайта кўриб яна бир бор оғир каток билан зичлашди. Сўнг, қалинлиги нақ йигирма сантиметр келадиган асфальт ётқизишди. Кўчаним каф-дек раволашиб, мўлжал учун олисроққа тухум қўйсанг кўринадиган даражада бўлди.

Эз, қиз, киш ўтиб, яна баҳор келди. Қудратли баҳор кўнатиб кўйини илтид. Олам гул-чечакка бурканди.

...Одатдагидек, эрталаб ишга отландим. Янги кўчаним кўчилини бекатида ўтирибман. Бекат ортидаги чўқур ариқада тўла зироп сув оқарди. Ариқнинг икки лабида ғужон айлалар... Қавқандир бир жуфт ниначи пайдо бўлди. Ниначилар бир соя «ғувиллашиб» муаллаф туриб қолди. Чамалда кўншига қулай жойини танлади. Сув бетиде қайчилаб чиқиб турган қўқатга қўнмиди. Қўнмиди-ю, ёш нихол қадабини тикломай сувга ботди.

Ажаб—мен турган бекат ортида яққало-яққало сулу мажнунтол борлигига сира эътибор бермабман. Мажнунтол бўлса сўмбул сочларини баҳор сувида тинимсиз ювишдан толиқмай, бош эгиб тебранарди. Шу тебранишдан нина-

чилар гўё ўзларига аталгандек тайёр аргим-қоқда хушхол, сармаст ўйнашарди.


Бир олам завқли кузатишдан сўнг нигоҳим яна бир ғалати дарзга тушди. Шундоққина асфальт йўл чеккаси дарз кетганини кўрдим. Гўё, ер қобири ҳам баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётгандек эди. Кўз илғамас дўнглик ҳосил бўлган. Шу-шу, ҳар кун ишга кетаётиб, ишдан келаётиб мана шу дарз кетган жойни кузатадиган бўлдим.

Бир кун кечаси билан шаррос ёмғир қуйди. Кучли мамоқалдирик турди.

Шу тоғи жуда эрта йўғондим. Борлиқ атроф янада янаб кетган. Сайр қилиб, бекатга келдим. Кўзим яна ўша дарзга тушди. Тўдию, ҳайратда ёқа ўшлаб қолдим. Дарз кетган жой устида пилёдек келадиган оқ нарс турарди. Аввалига тош деб ўйладим. Аввалиб уни қўлга олмақчи эдим, юмшоқ ботди. Шундагина қўлимдаги юмшоқ нарсга кўзиқорин эканлигига сира шубҳам қолмади. Ҳайратдан табиат инъом этган силлиқ, юмшоқ беғубор кўзиқорини у қўлимдан бў қўлимга ўтказиб завқ-у, ҳавас билан қараб тўймайман.

...Вожаб, ўзи юмшоққина бўла туриб, силлиқлигига ғубор инмаган бўйи-бастини силтиб, ҳаётга интилиши мени чексиз таассуротлантирди.

А. САЙДАЛИЕВ.



Ақмал Икромов районидagi 28-етти йиллик музика мактабида айни кунда 270 нафар ўқувчи музика саънатиин ўрганимоқда.

Сиз суратда кўриб турган ёш доирачи йилгитлар ҳам ушбу масканда билим олишади.

Х. Шодиев фотоси.

Маслаҳатларимиз

◆ Кийим-кечаларни қуядан сақлашда нафталин жуда қўл келади. Лекин унинг ўрнига ёнғоқ ёки тамаки баргини, шунингдек қўриқилган апельсин лўчоғини солиб қўйсангиз ҳам қуяни сира яқинлаштирмайди.

◆ Оқ тўсли оёқ кийимига сув сачраса доғи қолади. Бунга йўл қўймаслик учун қўтқада уни шу рандаги крем билан мойлаш.

◆ Оқ тўсли оёқ кийимини қайноқ сўт ёки скиндар билан сўт аралашмасини қўшиб тозаласангиз янгидек ярқил-лайди.

◆ Термосда қўланса ҳид қолса, уни осон кетказиш мумкин. Бунинг учун унинг ичига икки қошиқ гуруч ва илқ сув солиб чайқатасиз кейин қайноқ сувда чайсиз.

◆ Шўрва пиширганингизда туз-намаги қўлайиб кетса, уни ростлаш мумкин. Қошиқда бир чақмоқ қанд олиб, шўрва ичига солиб туринг. Қанд эрий бошла-ганда қошиқни шўрва ичидан олдинг. Шунда туз қанда ғишиб чиқади. Шўрва ҳамон шўр бўлса, яна шу тadbирни қайта қўлласиз.

Қизиқ гаплар

◆ Агар Ер юзиде музлақ соф сувли лоақал лабораторияларда ҳосил қилинадиганчалик тоза сувли бирон қўл бўлганида эди, бундай қўл сиртида одам бемалол оқимлаб, ҳатто коньки отиб юра олган бўларди.

◆ Оқимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда (суз қилинган энциклопедик лугат бор. Луғатнинг «ф» ҳарфида футбол тўғрисида бундай гап ёзилган экан: «Футбол—спортнинг жуда қизиқарли тури бўлиб, бора-бора нуқтиилиб кетади».

◆ Қуёш нури бизга бор-йўл 8,5 минутда, энг яқин юлдуз нури эса тўрт йил-у, уч ойда етиб келади.

◆ Бразилияда ғалати бир

қўрбақа яшайди. Маҳаллий аҳоли уни қиянка яқни деб атади. Бу қўрбақа туғилган-дан кейин бўйи йигирма беш сантиметр бўлса, қаринган сари бўйи қисқариб, арағи 5 сантиметр бўлиб қолади.

◆ Англиядаги кутубхона-лардан бирида бундан бир юз олтинчи йил илгари напир қилинган энциклопедик лугат бор. Луғатнинг «ф» ҳарфида футбол тўғрисида бундай гап ёзилган экан: «Футбол—спортнинг жуда қизиқарли тури бўлиб, бора-бора нуқтиилиб кетади».

Бу қаромат ғайрат ёлғон, сафсата эканини футбол тобора омаллашиб бораётгани кўрсатиб турибди.



Ахлоқ мавзюида

«Ёзсам кўзим ялтирайди, ёзмасам кўлим қалтирайди...»

ТУҚСОНГА қирган бир момон биламан. Кўшисининг ўлига хат ёздириб, солдат набирасига жўнаттиради. Кўп яхши тилаклар айтиб, сўмқасига ёнғоқ-туршак солиб кўчага «рахмат», деб кузатиб қўяди. Ўқувчи боланинг хаёли туршакда, кампир эса набирасига яна хат жўнатганига ҳурсанд...

Момоннинг солдат набирасидан хат кутгани ҳам ўзига хос бир ҳавас қилгудек туйғулар жарбони. Хат келган кунни почтачи, унга, қосоналдан ҳам улуг меҳмон. Унга айтган раҳматларини сўмқасига солса сиймай қолади. Сизга ҳам кўтаролмайди.

Умуман, яхши одамнинг нафасини олиб келувчи хат ҳамма жойда мана шундай орзқиб кутлади. У бир одам, бир хондоннинггина қувончи эмас. Аммо хатлар ҳам ҳар хил бўлади. Худди одамлар сингари...

Соғинч ва дард билан ёзилган хатлар. Инсоний туйғулар битилган хатлар.

Ва афсуски... ҳасад-хусумат билан ёзилган хатлар. Кейингисини кўпроқ «думалоқ хатлар» дейишади. Ёки юмалоқ. Барбери нима бўлганда ҳам улар—инсоний туйғулар нима-лигини билмайдиган қора юракларнинг хатлари.

«...Менинг кўшимни дам олиш кўнлари ҳам тиниб-тиниб қўйишмайди. Кун бўйи унинг ҳовлисида болта тақиллашнинг эшитиб турман. Тегишли органлар зудлик билан текширишларини сўрайман...»

Икки: Софиди оқшохон М.К.

«Софиди» замонавийнинг кўшисини оддий ишчи экан. У ўқилари билан дам олиш кўнлари билан ошхона курган. Айби — шу.

ШУНДАЙ одамлар борки, мен илмозси хат ёзмасам

Ер айланишдан тўхтаб қолади деб ўйлашади. Кейин ҳовликиб турли ташкилотларга хат устига хат йўллашаверади. Уларни

қўиб, ҳаммаси аризмас бир гийбат эканлигини аниқлагунча юзлаб одам ҳалак.

Ер эса айланаверади...

Хуллас, шунча гаплар. Айрим «удабдор» одамлар эса бир газетда таасоддан ўтиб кетган аризмас хатон бошқасига ёзишди, томоша қўнмади. Уларнинг нияти ягона: ҳалол одамларнинг вақтини олиш, эркин ишлашга ҳалақит бериш. Шундан лаззат олишади, ҳузур қилишади.

Газетанинг фалон сониде таржима беришди, деб ёзишади улар. Бу шокнинг шеърларини эллик йил бурун фалончи ақмаллар таржима қилганлар, дейди. Билмайдики, бир шок шеърини юзлаб киши таржима қилиши мумкин. Уларнинг энг яхшилари ўқучига ҳавола этилаверади. Шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлаверади. «Хушёр» муаллифининг қуюнчақлиги эса ўринсиз ва кераксиз.

Булари бари кўчили

туйюлиши мумкин. Лекин бундай хатларни ҳеч қачон жил-

майиб ўқиманг. Шундай ҳол-бар бўладиган, имзосиз бир хат билан бир одам, гоҳо хондон вақтон бўлиб кетади. Ширин турмуш дарз кетади.

Туппа-тузук, ишдан бир ходим бесабаб ишдан бўшатилиб...

Ҳалол ва виждонли одамнинг қўли ишга бормай қолади. Севимли ишдан қўнгли совидай.

МЕН шундай бир гийбатчи одамни биламан. Тўғрики, номини айтиш бироз ноқулай, чунки у отам тенги одам. Лекин айтмасам ҳам бўлмайди, қўнглим тўлмайди. Унинг оти Йўлчи (Исини қандай нури ва қўнглим ваъда қилувчи) У гийбатсиз бир кун яшай олмади. Бирининг устидан ёзмаган кун қўли қалтираверди. Ёзганидан кейин эса кўзлари «ғалати ялтираб, ўзида йўқ хурсанд юради.

Мақола эълон қилинса [у албатта ўқийди] менинг устимдан ҳам албатта ёзса керак. Аммо гап бундамас. Гап шун-

данан фойдаланмоқдалар. Шунингдек, биргаликда икки қаватли мактаб биносини ремондан чиқариб, ўн минглаб пулни тежаб қолганмиз. Бу билан мен ўша ишларимиз учун мақтанмоқчи ёки олишлар талаб қилмоқчи эмасман. Бироқ ўқувчиларда ўзи таълим олаётган даргоҳга, Она-Ватанга мухаббат, дўстларга садоқат, олийжаноблик туйғусини намол тоштириш лозим. Бунинг учун муаллимлар ўқувчилар билан уларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларида қўпроқ ишлашлари лозим.

Шу ўринда таъбир жоиз бўлса яна «Қўноқ» стартлар мусобақаси масаласига қайтасан. Кейинги йиллар мобайлида уни мунтазам кузатиб борган кишиларга шу нарсга аёнки, мусобақада республикаси областлари командалари пешқадамлик қилмоқдалар. Бунни биз чин кўнглидан, самимий айтганмиз. Ҳаммамизга маъмуллик, областлардаги мактаб ўқувчиларига нисбатан шаҳардаги мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари кўпроқдир. Бу эса ўқитувачиларимиз ҳали шаҳарлик ўқувчилар билан етарлича шуғуллана олмайптилар, деган маънони аниқлатади. Гап гоиликда эмас, балки ўқувчилар билан ишлашда. Нима учундир ўн йилдан бундан оғавронли республика мактаб ўқувчиларининг бу мусобақасида Ақмал Ик-

ромов районидеги 193, яна қайси бир мактаб қатнаши, холос. Ахир, шахримиз мактабларида ҳамма шароит бор-ку? Ўқитувчилар ҳам етарли. Деярли ҳамма мактаблар замонавий спорт зали, физкультура майдончалари йилга (айниқса, кейинги йилларда) қўрилган янги мактабларда. Наҳотки, шундай қизиқарли, қўнглим мусобақалар шахримиз мактабларидаги жисмоний тарбия ўқитувчиларини, педагогика коллежияларини, ўқувчиларни қизиқтирмасан! Мактабларда ўқитувчилар ўқувчилар билан биргаликда дарсдан бўш вақтларида айна «Қўноқ» стартлар мусобақасида бўлмаседа, бироқ шунга ўхшаш баҳслар ташкил этиб туришса айна мўлдоо бўлур эди. Зеро, «Соғлиқни сақлашни яхшилашга, оммавий физкультура ва спортни, туризмни ривожлантиришга, кишиларнинг, айланишларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлашга қараганда муҳим тадбирлар қўрилиши зарур», дейилди Совет Иттифоқи Коммунист партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сийёси доклади бўйича резолюциясида. Бунинг учун мактабларимизда барча шароитлар мавжуд.

Ф. НУРИДДИНОВ

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоисин, шахсий пенсионер.

Савол беринг—

жавоб берамиз

Редакцияга қўлаб газет-хонлардан йўл ҳаракати қондаларига онд ва транспортга боғлиқ саволлар ёзилган хатлар келиб турибди. Бугун биз оқшомхонларнинг саволларига жавоб беришни Тошкент шаҳар Давлат автомобил инспекцияси бошқармасининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти Файзулла Аъзамовдан илтимос қилдик.

Ешим ўн олтида. Қачон ҳайдовчилик гувоҳномаси олишим мумкин?

Ҳ. КАРИМОВ, ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси.

— «А» категорияли, яъни мотоциклини бошқариш ҳуқуқини берадиган, ҳайдовчилик гувоҳномасини 16 ёшга тўлганда, «В», «С» категорияларидеги, яъни турли маркази автомобильларни бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳайдовчилик гувоҳномаларини 18 ёшга тўлгандан кейин олиш мумкин.

Хотин-қиз ҳайдовчиларга қандай автомобилларни бошқариш рухсат этилади?

Д. КЕНЖАЕВА, автоҳаваскор.

— Хотин-қиз ҳайдовчиларга 2,5 тоннадан ортиқ юк орта оладиган автомобиллари ва 14 тадан кўп пассажирли жойи бўлган автобусларни бошқариш тақиқланади.

Улар «ЕрАЗ—76 в», «РАФ—977 д», «РАФ—2203», «УАЗ—452 в», «Ниса—521 м», «Ниса—522 м», «ЖУК—18 м» ва бошқа автомобилларни 55 ёшгача бошқаришлари мумкин.

Ф. НУРИДДИНОВ

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоисин, шахсий пенсионер.



Усмон Юсупов кўчасининг София проспекти билан қесмиш жойида йўловчиларга қўлайлик яратиш учун ўттиш йўлкаси белгиланган эди. Ҳозир бу ердаги оқ белгилардан нишон ҳам қолмаган. Светофор ўрнатилган бўлишига қарамасдан машиналар ғизиллаб ўтиб турибди. Бундан отапар чойхонасига ўтаётган кексалар озор чекимшоқда.

СУРАТДА: светофор йўл пидедалар учун очик бўлишини кўрсатиб тургани ҳолда машиналар йўлқани тўсиб туришибди.

Х. Мирзақаримов фотоси.

Билимингизни синаб кўринг

Шундай вазиятда чорраҳадан ўтишни тугаллаш учун ҳайдовчи светофорнинг яшил чироғини кутиши кераки?



Жавобингизни текширинг


«Тошкент оқшомининг 1986 йил 3 апрель сониде эълон қилинган топиридаги вазиятда, юзани қараганда, мотоцикл ҳайдовчиси чорраҳадан олдин ўтиши керакдиги тўғрисида, Чунки асфальт ётқизиладиган йўл ҳар қандай тупроқли йўлга нисбатан асосий ҳисобланади. Бироқ бу ўринда чорраҳа яқинига ўрнатилган бир хил аҳамиятга эга йўллар несишмаси белгисига амак қилиб чорраҳадан юк автомобилни ўтати. Ундан сўнг мотоцикл ҳайдовчиси ҳаракатини бошлаш мумкин.

Икромовлар оиласи, Ҳамдамлар оиласи, С. Бобомуродов, М. Бойқиев, Х. Юсупова, Ш. Тоғаев, Ю. Болтабоев, А. Аҳмедов, М. Нишонов, О. Ота-

қулов, Х. Қурбанов, К. Хусанов, К. Туропов, Ф. Маҳмадбеков, Х. Бекматов, Д. Раҳматуллаева, Ш. Шомансурова, М. Мадалимов, Н. Эргашев, Д. Тўлаганов, Т. Орипов, С. Назаров, Л. Соибова, Б. Шокриев, О. Нуриддин, новлар топиридаги тўғри жавоб йўллашган, Уларга ташаннур билдирамиз.

Биз Лениннинг фарзандларимиз, Ленин дарси — ҳаёт дарсимиз.

Т. Каримов фототўди.





Сен менга тегма, мен сенга...

М. Содиқов фототюди.

Б У Р Ч

ли ўзларига раис этиб коммунист ва олим Неймат Хасановни бежиз сайлашмаган эди. Камтарин бу маҳалла раисининг ишларидан ҳамма миннатдор бўлапти. Неймат Хасановнинг ташаббуси, тadbиркорлиги ва оқилона иш юритиши туфайли маҳалла аҳолиси уюшқоқ, ахил оила бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб намунали ишлар қилапти. Аввало, ёшувари, эркак-аёл хашарга чиқиб тез орада катта клуб биноси тикланди. Клуб тантанали очилган куниданоқ голавий-сиёсий ишлар марказига айланди. Клубнинг бекор турганини кўрмайсиз. Унда гоҳ лекциялар, гоҳ учравулар, кўнгилли тadbирлар ўтиб туради. Бу ерда айниқса КПСС XXVII съезди қарорларини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кенг тарзда олиб борилади.

Маҳалланинг ёшлар билан ишлаш комиссияси айниқса

фаол ишлаяпти, натижаси ҳам ҳавас қилса арзийди. — Кейинги беш йил ичиде, — дейди Неймат Хасанов хурсанд бўлиб, — маҳалла ёшлари орасида бирор марта жамоат тартиби бузилмади, ниҳоят бузилмади, оилавий жанжаллар содир бўлмади, тўй маросимлари ҳам тарбиявий ишнинг энг қулай шаклига айланди. Ичкиликсиз бўлаёт

ва манзарали дараклар билан кўчалардорлаштиришга, озодлигига, ҳамма бир оила азосидек ахил-ноқ, маданий турмуш кечиршига эришяпти.

Маҳалла раиси Неймат Хасанов колхозда меҳнатда чиқиққан, ўрта мактабни аъло тамомлаб, Тошкент Давлат университетда билим олган.

Шаҳримиз жонқуярлари



У ҳозирда Тошкент политехника институтининг КПСС тарихи кафедрасининг доценти бўлиб ишлайди. Уни истикомат қилётган маҳаллада жамоатчилик ишлари ҳам қизғин олиб бораёпти. Яқин фазилатли бундай одамларни эл эъзозлайди. Шунинг учун ҳам Нейматжон Хасановни ҳамма «Маҳалла раиси» деб хурматлайди. Маҳалланинг ота-онаси, маслаҳатчиси бўлиш катта бурч эканини у доим юракдан ҳис этади.

И. РАҲИМОВ.

Паркентдан хат

Ҳалоллик

Яқинда Паркент районидagi «Ленинбод» совхозини Тошбу ола Абдиева Тошкент шаҳридаги Қорасув бозорининг Куйбишев шоссесидagi филлиалга юмуш билан келганида, ногаҳон кўзи йўлакда ётган туғунчага тушиб қолди. Тошбу ола уни очиб кўрган эди, туғунча ичидан 450 сўм пул чиқди. У пулни шу заҳотиёқ бозор маъмуриятига топширди. Топилма ҳақида Ленин район ички ишлар бўлимига хабар қилинди.

Участка инспектори, милиция лейтенанти Н. Дадаш-жаев зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, топилма ни эгасига қайтаришга ҳаракат қилган Тошбу ола Абдиевага ҳалоллиги учун катта миннатдорчилик билдирди.

Ҳа, ҳалоллик совет кишига хос фазилатдир.

Т. ДУСМАТОВ,
Паркент районидagi «Паркент тонги» газетасининг ходими.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

ТЕАТР

НАВОЙИ/НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/У да Пикова дама, 16/У да Коңерт.
ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/У да Кувё, 16/У да Келинар кўзголи.
МУҲИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/У да Хотинининг эри, 16/У да Ёшқиде беран кўнгил (19.30).

КИНО

15 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БОББИ» — М. Шайхзода номли (16, 18.30, 20.45).
«АПОЛОНИЙНИНГ ХАЛОКАТИ» — Восток (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).
«ҚУРҚУНИНГ БЕШ ДАҚИҚАСИ» — Лисунув номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02). Искра (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).
«ДОМ-ДАРАКСИЗ ЙУҚОЛГАН» — Фестиваль (8:30, 21.30).
«ТУНГИ УҒРИЛАР» — Хива (21.30), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

16 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БОББИ» — М. Шайхзода номли (11, 13, 30, 16, 18, 3; 20, 45).
«ҚУРҚУНИНГ БЕШ ДАҚИҚАСИ» — Искра (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).
«ТУНГИ УҒРИЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).
«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — Лисунув номли (11, 14, 17, 20.00).
«ДОМ-ДАРАКСИЗ ЙУҚОЛГАН» — Фестиваль (8:30, 21.30).
«ЕРГАЧА ТАЪЗИМ ҚИЛ» — Хива (21.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва «муз устида цирк» коллективининг гастроллари (15, 16/У да 14.30, 19.30 да).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИИ СТАДИОНИДА

17 май соат 17.00 да
СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Матч бошланишидан олдин соат 18.00 да М. ТУРҒУНБОВЕВ ВА НОМИДАГИ «БАҲОҒ» давлат халқ рақс ансамблининг солишти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист АХМАДЖОН ШУКУРОВ концерти.

ФУТБОЛ ИШКИБЎЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Стадион кассаларида элдиндан билет сотиш ташкил этилган. Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилинмоқда.

СССР Алоқа министригининг ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТ. РОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

24 май соат 10.00 да
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

Институт адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САҲЪАТИ ИНСТИТУТИ

17 май соат 17.00 да
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

Мурожаат учун адрс: Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

Н. ҒАНИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ

23 ва 24 май соат 14.00 да
УМУМТАЪЛИМ МАКТАВЛАРИНИНГ 8 ВА 10 СИНФ ЁҚУВЧИЛАРИ УЧУН

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри 2-Чамбой кўчаси, 96-уй.

ОКтябрь РАЙОНИДАГИ Я. М. СВЕРДЛОВ НОМИДАГИ 41-ЎРТА МАКТАВ

май, июнь ойларини: тулқисиз ўрта мактав базасида (16 ёшдан бошлаб) ва ўрта мактав базасида (18 ёшдан бошлаб)

ЭКСТЕРНАТ ПАРТИИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА

ИМТИҲОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ 42-24-14 телефон буйича справқалар олиш мумкин.

Тошкент давлат университети юридик факультети томонидан Расуллов Шавкат Асадович номида берилган 168726 нмерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

Ҳар бир либоснинг ўз беаги бор



СИЗНИНГ ЗИЙНАТ ТАҚИЧОҚЛАРИ ҚУТИЧАНГИЗ БУЮМЛАРГА ҚАНЧАЛИК СЕРОВ БЎЛСА ШУНЧА ЯХШИ. СИЗ ҲАММА ВАҚТ ЛИБОСЛАРИНГИЗНИ МУНОСИБ ТАҚИЧОҚЛАР, ЗАНЖИР, ТОШЛАР, ЎЗУҚЛАР, ЗИРАКЛАР БИЛАН БЕЗАЙ ОЛАСИЗ.

Бу зийнат буюмлари табиий ёқут кўз ва ярқироқ тошлар қадалган асл навли металллардан ишланган бўлиши шарт эмас. Арзон баҳоли металллардан катта маҳорат ва дид билан чиройли, модабоб ишланган талай беақлар сотувга қўйилган. «ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГЎРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНИ.

Сиз бу магазинларда либосларингизга ярашадиган ялтироқ тошли ёки бурж белгиси акс эттирилган бўйинга осиладиган занжирлар, ранг-баранг тусли шиша кўз қадалган зирақлар, билакўзуклар, ўзуқлар, шокилдалар сотиб олишингиз мумкин. МАГАЗИНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, ХИНДИСТОН-УСТАЛАРИ ТАЙЁРЛАГАН ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ СЎТУВГА ҚЎЙИЛГАН. ЗИЙНАТ БЕЗАК БУЮМЛАРИ ВАҲОСИ 2 СЎМДАН 23 СЎМГАЧА

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГЎРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 33-17-24).

Хонадон файзи

Меҳмонхона учун аталган «СИРЕНЬ» юмшоқ мебеллар термаси ёрдамида ҳар бир квартирада кишига ором берадиган файзли хонани муҳайё этиш мумкин. Бу мебеллар термаси юмшоқ кресло, чойшаб ашёлари тахланадиган қўтичаси бор бўлган йиғиштириладиган диван каравот, газета ва журналлар учун тоқчали журнал столчасидан иборат.

Мибеллар оёғига таянчли гилдиракчалар ўрнатилган бўлиб, улар мебелларни бир жойдан иккинчи жойга суришда машаққатингизни осон қилади.

«СИРЕНЬ» мебеллар термасини «Янгийўл» мебель фабрикаси ишлаб чиқармоқда.

Баҳоиси — 545 сўм.



Бу мебеллар термаси «Мебель» фирма магазинида сотилмоқда. Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Юнусовд массиви, 8-квартал, 39-уй.
«ЎЗБЕКПРОЕКТАМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ. ТЕЛЕФОН 24-87-45.

«Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ 16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986-87 ўқув йили учун

ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, НИГИРЎВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиш муддати 1-3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар қабул олмади ва кийим-бош билан таъминланмадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА КАСБ ЭҒАЛЛАГАНЛИГИ ҲАМДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Билим юртини яхши баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртиларига ўқиш учун йўланма берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик тўғрақлари, спорт секциялари, бичиш-тиқиш ва тўқиш тўғрақлари мунтазам ишлайди. Тўқимачилик комбинатида ўқувчиларнинг дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун ҳамма шароитлар, яратилган. Корхонада маданий сарой, профилактикий, дам олиш зонаси ва кечки техникум мавжуд.

Кирувчилар қуйдаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида, ҳужжат, таржимам ҳоли, характеристика, 3х4 см. ҳанмидаги 6 донга фотосурат, 286-формадаги медицина справқаси, турар жойидан справқа.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2,3,32,80,97-автобусларнинг «16-ўрта ҳунар-техника билим юрти» бекати).

Рангли телевизор жозибаси

АГАР СИЗ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР СЎТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

«ТЕМП—738» МАРКАЛИ ТЕЛЕВИЗОРГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.


Бу телевизор интеграл схемалар, радиолампа билан ярим ўтказгичлардан йиғилган. Метрли диапазон тўлқинидаги курсатувларни қабул қилиш учун унда электрон селектрли тақомиллашган сенсорли бошқарув блоқи қўлланилган.

Телевизор конструкциясида бурчаклари тўриланган масқали, рангли кинескоп, модернизацияланган созлаш блоклари қўлланилган.

БУ ТЕЛЕВИЗОРЛАРГА МАГНИТОФОН, ВИДЕО-МАГНИТОФОН, ДЕЦИМЕТР ДИАПАЗОНДАГИ КАНАЛАР СЕЛЕКТОР КАВИ МОСЛАМАЛАРНИ УЛАШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

Баҳоиси — 720 сўм.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИИ САВДО РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 3-55, 37, 32-53-83; сановат ва қурилиш — 32-57-84; шахар ҳўналиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-3-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.